Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✡ 1999 йил, 20 август, № 29 (222) ✡ Жума кунлари чиқади ✡ Сотувда эркин нархда

КЕЧА Тошкентда ўз ишини бошлаган Ўзбекистон Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси бугун ўз ишини давом эттирмоқда.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ



19 август куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси иш бошлади.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатия корпуси вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлишган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади.

Депутатлар Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1995-1999 йиллардаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини муҳокама қилишга киришди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси А.Орипов, Андижон вилояти Жалақудуқ тумани ҳокими М.Эгамова, Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармаси раиси Ҳ.Абдураимов, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази директори А.Саидов, Сирдарё вилояти Ховос тумани ҳокими Р.Турдиев, Ўзбекистон халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф.Омонов, «Адолат» социал демократик партиясининг биринчи котиби, Тошкент давлат биринчи тиббиёт институти ректори Т.Даминов, Тошкент шаҳридаги «Интер-Осиё» корпорацияси бошқаруви раиси К.Йўлдошев, Қорақалпоғистон Республкаси Беруний тумани марказий касалхонаси бўлим мудири Б.Оразалиев, Самарқанд тумани ҳокими Р.Ҳакимова, Хоразм вилояти Боғот тумани ҳокими Ш.Ҳўжаниёзова иштирок этди.

Президент Ислом Каримов сессия иштирокчилари ҳузурида нутқ сўзлади. Давлатимиз бошлиги мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистон эришган ютуқларни алоҳида таъкидлаб, ислоҳотларни амалга оширишда, жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришда, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларидаги туб ўзгартишларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда парламентнинг катта ўрин тутганини қайд этди. Президентимиз бўлажак парламент сайлови масалаларига батафсил тўхталиб, барча сиёсий партияларни сайловолди сиёсий курашини ҳалол, маърифий ўтказишга чақирди. Уринсиз ваъдалар беришдан, ортиқча шов-шувлар ва сохта обрў кетидан қувишдан тийилишга чақирди. (Нутқ матбуотда эълон қилинмоқда).

Депутатлар Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1995-1999 йиллардаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини маъқулладилар, тегишли қарор қабул қилдилар.

Молия вазири Р.Азимов депутатларга 1999 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисида ва Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилги асосий макроиқтисодий истиқбол кўрсаткичлари ва Давлат бюджетининг параметрлари ҳақида ахборот берди. Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Бу икки масалани муҳокама қилишда «Файз» акциядорлик холдинг компаниясининг бош директори М.Азимова, Фарғона шаҳри ҳокими А.Мўминов, Жиззах вилояти болалар шифохонасининг бош врачи Ҳ.Алимова, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги «Шўрахон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси А.Абдукаримов иштирок этди. Депутатлар 1999 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқладилар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилги асосий макроиқтисодий истиқбол кўрсаткичларини ва Давлат бюджетининг параметрларини маъқулладилар.

Кечки мажлис «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари - қўмитаси раиси Н.Исмоилов маърузасидан сўнг депутатлар бу Қонунни қабул қилдилар.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси А.Йўлдошев депутатларга «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Самарқанд вилояти Ургут туманининг Алишер Навоий номидаги халқ корпорацияси раиси А.Зиёев, Сирдарё вилоятидаги Ширин шаҳри ҳокими И.Эрбеков, Тошкент вилояти «Янгийўл ёг-мой» акциядорлик жамияти раиси М.Худоёров иштирок этди. Олий Мажлис «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Сессияда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Г.Йўлдошева «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Шу масала юзасидан Урганч қурилиш коллежи директори И.Бойжонов ва Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси раиси Ҳ. Абдураимов ўз фикрларини айтди. Депутатлар «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонунни қабул қилдилар.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси А.Йўлдошев парламентга «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини тақдим этди. «Сурхонгўштсутсаноатсавдо» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Х.Қиличев ҳамда Тошкент вилоятидаги темир-бетон маҳсулотлар заводи директори Б.Халилов сўзга чиққанидан сўнг сессия «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари М.Содиқова «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида депутатларга ахборот берди. Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани ҳокими Ш.Исанов ва Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги туғруқхона бош врачи М.Ҳожиматова сўзга чиққанидан сўнг мазкур Қонун қабул қилинди.

Сессияда Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитаси раиси И.Кочмарик «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Тошкент шаҳар «Интранс» акциядорлик жамияти раиси Б.Қосимов ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилояти кенгашининг биринчи котиби Ғ.Машарипов иштирок этди. Бу Қонун ҳам қабул қилинди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 20 августда ўз ишини давом эттиради.

ВАТАН ОЗОДЛИГИ - ОЛИЙ САОДАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XV сессиясидаги маърузаси

Ҳурматли депутатлар!

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг охирги - ХУ сессияси улуғ байрамимиз - Мустақиллик кунининг саккиз йиллиги арафасида ўтмоқда.

Тарих учун саккиз йил катта муддат эмас. Лекин, холисона айтадиган бўлсак, шу қисқа давр мобайнида ҳаётимиз тубдан ўзгарди.

Ўзбекистонга ярим мустамлака, хом ашё етиштирувчи ўлка деб қараган, халқимизнинг миллий туйғуларига хос бўлган барча қадриятларни менсимасдан, тарихимиз, тилимиз ва маданиятимиз, анъана ва одатларимизни поймол этган зўравон ва манфур тизим барбод бўлди.

Таянчиси лаббайчи тўралар, амалдорлар, пойдевори маъмурий буйруқбозлик бўлган эски, ўта мафкуралашган, халқни ювош, итоаткор оломон деб биладиган тизим ўтмишда қолди.

Бугун юртимизда демократик, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкам пойдевори қўйилмоқда, кўп укладли, барқарор ривожланаётган бозор иқтисоди асослари шакланмоқда.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, шаҳарларимиз, қишлоқларимиз ва қишлоқларимиз, ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг бутун бошли йирик тармоқларида кишини лол қолдирадиган ўзгаришлар рўй бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, янгиланиш, ислоҳотлар жараёни амалда турмушимизнинг деярли барча - сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маънавий соҳалари, жамият ва давлат қурилиши соҳаларини қамраб олмоқда.

Энг муҳими, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу жараёнлар билан биргаликда биз ўзимиз ҳам ўзгарямиз, дунёқарашимиз, янгиликларга муносабатимиз мутлақо ўзгармоқда.

Мазкур ўзгаришларнинг муҳим жиҳати шундаки, кишилар авваламбор ўз кучига суяниб ўз тақдири, оиласи келажагини ўзлари белгилайдиган бўлмоқдалар, ҳаётимизни демократлаштириш жараёнларини онгли равишда қабул қилмоқдалар.

Хуллас, халқимиз бугун ўз ҳаёти, келажагининг ҳақиқий ижодкорига айланмоқда. Бу, менимча, бундан кейин ҳам одамлар онгида ривожлантириш керак бўлган энг катта ютуқдир.

Азиз ватандошлар!

Бугун ўтган даврни кўз ўнгимиздан ўтказиб сарҳисоб қилар эканмиз, аввало, барчамизни мана шу кунларга етказган, эзгу ниятларимизни амалга оширишда, рўёбга чиқаришда ўзи мададкор бўлган Яратганимизга мингминг шукроналар, ҳамду саналар айтишимиз лозим.

Ўтган давр мобайнида улуғ ва ягона мақсад учун - Ватанимиз келажаги, эртанги ёруғ кунимиз, турмушимизни фаровон, юртимизни обод қилиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб обрў-эътибор топиш, Ўзбекистонни улуғлаш, ўзбек номини бутун жаҳонга таранним этиш йўлида сиз халқ ноиблари билан биргa баҳамжиҳат иш олиб бордик.

Энг муҳими, биринчи чақириқ асосида ташкил топган парламентимиз фаолиятининг асосий мезони шундан иборатки, ўтган давр мобайнида кўппартиявийлик шаклланган, турли ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари сиёсат майдонига чиққан, турли ижтимоий тоифа ва табақалар вужудга кела бошлаган мураккаб бир шароитда, Олий Мажлис ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари билан ҳамкорликда жамиятимизда сиёсий мувозанатни, тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришда ишончли омил бўлди.

Мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётида, янгиланиш жараёнида, ислоҳотларга қонуний асос барпо этиш ва уларни изчиллик билан давом эттиришда, барча самарали ишларимизда Олий Мажлиснинг бош-қош бўлиб турганини биз бугун катта мамнуният билан қайд этамиз.

Олий Мажлиснинг бугун тақдим этган беш йиллик ҳисоботини, сўзга чиққан халқ депутатларининг билдирган фикрлари ва берган баҳоларини, бир сўз билан айтганда, Олий Мажлиснинг беш йил давомидаги фаолияти, амалга оширган тадбирлари ва халқаро майдонда тобора ошиб бораётган обрў-эътиборини, авваламбор, Ўзбекистонда демократик давлатларга хос парламентаризм шаклланиб бораётганининг тасдиғи деб биламан.

Ҳаёт, замон шиддат билан ўзгариб бормоқда. Шунга монанд равишда жамиятимиз, унинг узлуксиз қисми бўлмиш парламентимиз ҳам, депутатлар ҳам ўзгариб бормоқда.

Мен бугун сиз азизларнинг юзингизга, кўзингизга қараб, сизга ишонч билдирган миллионлаб сайловчилар олдида шуни айтишим керакки, мамлакатимиз, халқимиз ўтган даврда қандай ютуқларга эришган бўлса, уларнинг барчасида парламентимизнинг муносиб ҳиссаси бор.

Халқимиз, сайловчиларингиз олдида, ўз виждонингиз олдида - мен бурчимни ҳалол ва сидқидилдан бажо этдим деб айтишга ҳаққингиз бор, албатта. Мен бу ҳақиқатни катта фахр ва катта ифтихор билан таъкидлаш лозим деб биламан.

Муҳтарам халқ ноиблари!

Бугун мана шу минбарда туриб сиз азизлар билан олдимизда турган ўта муҳим бир вазифа бўйича фикр алмашиб олмоқчиман.

Ҳаммангизга маълумки, мамлакатимиз, халқимиз ҳозир муҳим сиёсий-ижтимоий воқеалар арафасида турибди. Бугунги сессияда Президентлик лавозими ва Олий Мажлис депутатлигига бўлажак сайловларнинг муддати белгиланади. Бу сайловлар бизнинг мустақиллик даврида демократия бобида орттирган тажрибаларимизни, демократик тамойиллар ҳаётимизга қанчалик кириб бораётганини, аҳолимизнинг сиёсий

(Давоми 2-бетда).

Internet

ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

+ Россия Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматининг маълум қилишича, Доғистон Республикасида вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Жангарилар Ботлих туманининг Ансалти, Роҳат, Шадрод, Тандо ва Ашино қишлоқларини ўз қўлларида сақлаб турибди.

+ Француз Гвианасидаги Куру космодромидан учирилган «Ариан-42 Р» Европа ракетаси Индонезиянинг алоқа сунъий йўлдошини муваффақиятли тарзда орбитага олиб чиқди. Аслида ушбу парвоз 4 августга белгиланган бўлиб, техник носозликлар туфайли кечиктирилган эди.

+ Литва меҳнат биржасида мамлакатда ишсизлар сони 138,1 мингтага етгани қайд этилди. Ўтган ойнинг ўзида уларнинг сони 4,5 мингтага кўпайган.

+ Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида одамхўрлар гуруҳи қўлга олинди. Қўлга олинган уч киши республика руҳий хасталиклар касалхонасининг собиқ ходимлари бўлиб, улар етти кишини ўлдирганликда айбланмоқда.

+ Угандада қашшоқликни тугатиш борасида тайёрланган ҳукумат маърузасида баён қилинишича, мамлакатда 2017 йилгача бу муаммо бутунлай бартараф қилинади.

+ Хитойнинг Цзянсу вилоятида нефть омбори портлаши натижасида тўққиз киши ҳалок бўлди, етти киши турли даражадаги тан жароҳати олди.

Брюссель. Шаҳар ратушаси.

+ Косовода этник гуруҳлар ўртасидаги тўқнашувлар ҳамон давом этмоқда. Маълумотларга қараганда, ўтган шанба ва якшанба кунлари ўлканинг бир нечта ҳудудида шундай нохуш ҳодисалар содир бўлган.

+ Бангладешдаги сув тошқини оқибатида 14 киши қурбон бўлди. 50 га яқин одам жароҳатланди. Сўнгги вақтларда давом этаётган кучли ёғингарчилик ана шундай табиий офатни келтириб чиқармоқда.

+ Янги Зеландияда «Ансетт» авиакомпанияси учувчиларининг иш ташлаши сабабли юздан ортиқ авиайўналишда самолёт қатнови тўхтаб қолди.

+ Индонезиянинг Амбон оролида мусулмонлар ва насрийлар ўртасида тўқнашув юз берди. Оқибатда 16 киши ҳалок бўлди, ўнлаб одам тан жароҳати олди.

+ Жорий йилда Японияда тарқалган грипп эпидемияси 1287 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маърузасида ана шундай рақам келтирилган.

+ Шри-Ланка оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, «Тамил Илама» (Озодлик йўлбарслари) жангариларидан бири ўз танасига бомба яшириб, ҳукуматга қарашли ҳарбий қисмга кирган ва ўзини портлатиб юборган. Бу ҳаракатлар ҳукумат қўшинларининг яқинда уюштирган муваффақиятли ҳужумига жавоб тариқасида амалга оширилгани тахмин қилинмоқда.

ДЕПУТАТ БИЛАН МУЛОҚОТ

Бугун ҳуқуқий демократик жамиятимизда парламент фаолияти тобора қизғин тус олаётганлиги, сайловчилар қабул қилинажак қонунлар моҳиятидан вақтида хабардор бўлишаётганлиги эътиборга лойиқдир. Бу борада Олий Мажлис депутатларининг жойларда меҳнат жамоалари билан ўтказаётган самимий, юзма-юз мулоқотлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси арафасида Олий Мажлис депутати, парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши котиби Улуғбек Дониёров Оқдарё туманида сайловчилар билан учрашиб, сессияда кўриб чиқилиши лозим бўлган аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ ҳаётий масалалар хусусида ҳисобот берди. Туман ҳокимлигида прокуратура ва жамоа хўжаликларида бўлиб ўтган учрашувларда депутат Улуғбек Дониёров Оқдарёнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги долзарб муаммолар ва уларни кечиктирмай ҳал этиш йўллари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири.

ВАТАН ОЗОДЛИГИ - ОЛИЙ САОДАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XV сессиясидаги маърузаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

савияси нечоғлик юксалганини бутун дунёга яна бир бор кўрсатадиган имконият ва синов бўлади.

Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда эркин тафаккур, хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар, шу билан бирга, сиёсий ҳаракатлар ва кучларнинг интилишлари айниқса яққол намоён бўлади.

Шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда биз бугун мамлакатимизда мавжуд бўлган вазиятга, авваламбор танқидий баҳо бериб, саккиз йил давомида барпо этилган, авваламбор Конституциямиз, қабул қилинган қонунлардан иборат ҳуқуқий базага ва халқаро андозаларга суяниб, таяниб, олдимизда турган улкан сиёсий синовдан ёруғ юз билан, мамлакатимиз обрўсига обрў қўшиб чиқишимиз учун зарур моддий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятимизни сафарбар қилишимиз даркор.

Модомики биз демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш каби эзгу мақсад сари интилаётган эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловларни муносиб ташкил қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Мана шу масалаларга муфассалроқ тўхталиш лозим деб ўйлайман.

Албатта, бизда нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан, демократия талабларига тўла жавоб беради, деб тан олинган ўз Конституциямиз, ўз қонунларимиз борки, уларда сайлов масалаларига доир умумэътироф этилган халқаро меъёрлар, илғор демократик давлатларнинг ижобий тажрибаси, мукаммал тартиблар ва талаблар ўз ифодасини топган.

Шундай экан, бизнинг энг муҳим вазифамиз — қабул қилинган қонунларимизга, эътироф этилган талабларга, демократик андозаларга қатъий риоя этишни таъминлашдир.

Шу ўринда демократия принциплари, тараққий топган давлатларнинг қўллашга арзийдиган тажрибаси бизга ёрдамга келиши керак.

Бу тажрибанинг биз учун энг муҳим жиҳати шундаки, бундай мамлакатларда аҳолининг, аввало сайловчиларнинг ўтказилаётган сайловларга муносабатлари, сайловларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, уларга тайёргарлик ва ўтказиш тартиблари кўп — ўн, балким юз йиллар давомида шаклланган ва кўп синовлардан ўтганини ҳисобга олишимиз даркор.

Ҳисобга олиш дегани, аввало, уларни синчиклаб ўрганиш, танишиш, сайловчилар орасида тушунтириш ишларини олиб боришда, мутасадди ташкилотлар ва фаоллар билан ўқув машғулотлари ва семинарларини ўтказишда бу илғор тажрибаларга суянишдир.

Яна бир бор шуни таъкидлашни истардимки, бугунги кунда ўз миллий қонунчилигимиз ва халқаро андозалар асосида одамларимизнинг, сайловчиларимизнинг сиёсий савияси ва маданиятини ошириш, уларнинг ўз конституцион ҳуқуқларини чуқур англаши энг муҳим ва долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда ҳаётимизда учраб турадиган баъзи бир хунук ҳолатларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатимизда қабул қилинган қонун ва тартибларга биноан, кўппартиявийлик асосида ташкил қилинган сайловларда бир депутатлик ўрнига камида тўрт-беш номзод бўлишини кутишимиз табиийдир. Шуни ҳисобга олсак, сайловларга тайёргарлик пайтида баъзи номаъқул ишларга берилиш, сохта ваъдабозлик, одамларнинг мойиллигини уйғотиш мақсадида ғайриқонуний ишларга қўл уруш каби носоғлом кураш авж олишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Сайловлар одамларнинг маҳаллийчилик, уруғаймоқчилик, қабилачилик белгилари асосида ажралиб кетишига ҳам сабаб бўлмаслиги керак. Асоссиз равишда бир-бирининг обрўйини тўкиш, ҳақоратлаш, андишасизлик, ҳар хил бемаъни «ўйинлар» уюштириш сингари нохуш ҳолларга йўл қўйилмаслиги зарур.

Халқимизга хос вазминлик, сиполик, камтарлик фазилатлари инсонни улуғлайди. Минбарда туриб, тилга эрк бериб, ваколати бўлмасдан туриб халқ номидан гапиришга ҳеч кимнинг, ҳеч қандай ҳаққи йўқ.

Депутат бўлишни истаган одам аввало ҳалол-поклиги, маънавий етуклиги, теран билими, қобилияти, эл-юрт манфаатини шахсий манфаатидан устун қўйиш каби хусусиятлари билангина сайловчиларнинг ишончига сазовор бўлиши мумкин.

Сайловлар, уларга тайёргарлик ҳақида гап борар экан, кўраётган барча тадбирларимизнинг асосий мезони, асосий мақсади деб ягона муҳим вазифани кўрмоғимиз ва шунга эришмоғимиз даркор.

Барча сайловолди тайёргарлигимизнинг асосий мақсади — **ҳар қайси овоз берадиган инсон — у кимга овоз беришидан қатъий назар, Президент номзодигами ёки депутат номзодигами, — аввало ўз хоҳиш-иродасига суяниб, ўз иймонига суяниб, мустақил ва онгли равишда овоз бersин.**

Мана шу мақсадга эришган ҳолда сайлов натижаларидан қониқиш ва мамнуният ҳосил қилиш мумкин.

Яна бир муҳим фикрни такроран айтишни лозим деб биламан. Ҳар қандай партия, агар у ўзини том маънодаги сиёсий партия деб ҳисобласа, авваламбор аниқ ғояга эга бўлиш билан бирга нимагадир ёки кимгадир муҳолиф бўлиши зарур. Бундан қўрқмаслик керак.

Мана шундай ҳолат ва мана шундай ёндашиш партиянинг тарафдорлари ва унга ишонган, иноннган одамлар ҳамда жамоага аниқ равшан маълум бўлиши даркор.

Янада содда қилиб айтганда, партия тарафдорлари ўзлари кўнгил қўйган партия ёки шахс нима учун курашаётгани ва нималарга қарши чиқаётганини яхши билишлари ва аниқ позицияларга эга бўлишлари керак.

Урра-уррачилик, яшасинчилик кайфияти, бугунги сиёсатни орқа-ўнгига қарамай фақат мақташ билан ҳеч нарсани ҳал қилиб бўлмайди, бирорта муаммо ҳам ечилмайди. Шуни барчамиз яхши англаб олишимиз зарурки, айни вақтда минбарбозлигу митингбозлик, турли хил ҳавойи бақириқ-чақириқлар билан ҳам бирор туп дарахт кўкариб ёки бирорта иморат битиб қолмайди.

Шунинг учун ҳаётимизга танқидий кўз билан қараш, сиёсий-ижтимоий воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиб, бугун халқимизни қизиқтирадиган долзарб масалалар бўйича — у сиёсатга тегишлими, давлатни, жамиятни бошқаришга, ҳаётни яхшилашга дахлдорми, — вазмин мулоҳазалар, пухта ўйланган хулосалар билдириш керак. Уларни асослаб, кенг жамоатчиликнинг ўз фикрига тарафдор этиш, авваламбор миллий манфаатларимизга хизмат қиладиган ғояларнинг амалий кучга айланиши учун кураш олиб бориш даркор.

Мен бу сайловларда барча партияларимизга омад тилар эканман, уларнинг битта ақидага амал қилишларини истар эдим: сиёсий курашлар тарихдан маълумки, жаҳондаги кўплаб партиялар ур-йиқит, жанжал-сурон орқасида «обрў» топишган бўлса, сизлар эса, барака топкурлар, бунёдкорлик, яратувчилик иши билан обрў топинг.

Албатта, сайлов каби ғоят муҳим воқеа ва масъулиятли ишда шошма-шошарликка сира ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Яна бир марта такроран айтиб ўтмоқчиман: зарур бўлса, жаҳон тажрибасига мурожаат қилиш, республикамиздаги халқаро вакилликлар, ташкилотлар иштирокида, кенг омма иштирокида тушунтириш ишларини, учрашувлар, семинарлар ўтказишни кўпайтириш, кенгайтириш керак.

Бу жараённи пухта, халқ учун тушунарли тарзда ёритиб бориш оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам муҳим вазифалар юклайди.

Сайловларда совет давридан қолган асоратларга йўл қўймаслик керак. Кўпинча маҳаллий ҳокимият идоралари вакилларининг билиб-билмас аралашуви, ҳайбаракаллачилиги қонун талаблари бузилишига олиб келади.

Ҳар бир сайловчи ўз бурчини собиқ Иттифоқ даврида бўлгани каби сайлов бюллетенларини оила-оила бўлиб қутига ташлашдан иборат деб билмай, аввал айтганимдай, бу жараёнга онгли равишда ёндошмоғи, ўз овози, жамият ва давлат ҳаёти учун, келажак учун аҳамиятли эканини, сайловчи сифатида зиммасида катта масъулият борлигини англаб етишга эришмоғи даркор.

Хулоса қилиб айтганда, сайловларни ўтказишда илгари тўпланган ижобий тажрибага суяниш, йўл қўйилган нуқсонларни такрорламаслик, илғор жаҳон тажрибаси ва демократия тамойиллари устуворлигига эришиш олдимизда турган ғоят масъулиятли вазифадир.

Азиз дўстлар!

Барчамизнинг саъй-ҳаракатларимиз, интилишларимиз, ақл-заковатимиз мана шу заҳматкаш ва бағрикенг халқимизнинг оғирини енгил қилишга, уни янада ёруғ кунларга олиб чиқишга қаратилган.

Чунки бу халқнинг бахт-саодати йўлида, фаровон келажаги йўлида ҳар қанча меҳнат қилсак, заҳмат чексак арзийди.

Севимли халқ ёзувчимиз Саид Аҳмад акамизнинг иборасини ишлатиб айтсак: «Ўзбек халқи шундай табиатга эгаки, унинг меҳр дарёсидан бир қатра сув ичган одам бу халққа бир умр муҳаббат қўяди. Биз-нинг заминимиз шундай муқаддас заминки, бу тупроқ тафтидан бахраманд бўлган киши бир умр ўзини қарздор сезади, унга садоқатли бўлиш бурчини ҳис қилади».

Шу боис буюк боболар, азиз-авлиёлар меросини асраб-авайлаб келаётган, уларнинг ҳаётбахш ўгитлари асосида ўз миллий қадриятларини шакллантириб, авлодларини шу руҳда тарбиялаётган меҳнаткаш, заҳматкаш халқимизга мансуб эканимиздан ҳар биримиз чексиз фахрланишимиз, унга таъзим бажо келтиришимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

Шу ҳаяжонли дақиқаларда сизларга кўнглимдаги яна бир гапни айтмоқчиман.

Мен умрбод она халқим билан бирга, унинг ҳурматига муяссар бўлганимдан, таъбир жоиз бўлса, унинг корига яраганимдан ўзимни бахтли ҳисоблайман.

Бу ҳаётда бева-бечоранинг пешонасини силаган, етим-есирларга ёрдам берган, одамларнинг оғирини енгил қилган инсон ўзини бахтиёр санашга албатта ҳақлидир.

Аммо тарихнинг бурилиш нуқтасида, улуғ бир миллатни **ноҳақ таҳқир ва хўрликдан асраш;** унинг ўзлигини англаб, қаддиқоматини кўтариб мағрур яшашга даъват этиш; буюк марраларга чорлаш, содда қилиб айтганда озодлик ва эркинлик, мустақиллик ва истиқлол йўлига бошлаш — ҳар кимга ҳам насиб этмайди.

Менинг пешонамга ана шундай тақдир, ана шундай қисмат битган экан. Мен бу қисматни ўзим учун ҳам бахт, ҳам шараф деб биламан. Чунки мен учун Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ.

Менинг бир армоним борки, шу ҳақида айтмасам бўлмайди. Кўпчилик қаторида менинг ҳам ёшим, умрим ўтмоқда. Давлат ишлари билан, мураккаб, оғир, ўзининг ечимини талаб қилиб турган кундалик муаммолар билан банд бўлиб, бир нарсадан вақти келиб афсусланаман.

Менинг энг катта армоним оддий, содда кишилар орасида кўпроқ бўлиш. Бугун ҳаёт қийинчиликларига бардош бериб яшаётган оила — хонадонларда бўлиш, ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошидан кечирган отахон, онахонларимиз, фахрийларимиз, энди ҳаётга кириб бораётган ёш йигит, қизларимиз билан суҳбат қуришдир.

Шу оилаларнинг хурсандчилик кунларини бирга баҳам кўриш. Кўп жойларда, одамлар билан учрашганда, қарими, ёшми — агар мени ҳам тўйларингизга таклиф қилсангиз, мен ўзимни бахтиёр сезаман деганим бекорга айтилган гаплар эмас.

Мисол учун Америка Қўшма Штатларида, шу мамлакатнинг энг нуфузли ўқув юртларида таҳсил олаётган йигит-қизларимиз билан учрашганда мени албатта тўйларингизга чақирасиз, деб айтганим ҳам бежиз эмас.

Азиз дўстларим! Азиз ҳамюртларим!

Аҳил ва баҳамжиҳат, ўзаро ҳамдарду ҳамнафас бўлиб меҳнат қилганингиз, мени қўллаб-қувватлаганингиз учун, халқимиз, Ватанимиз равнақи йўлида кўрсатган барча саъй-ҳаракатларингиз учун сизга яна миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Сиздек фидойи инсонлар билан ишлаганимдан, орангизда қалбимга жуда яқин, қадрдон бўлиб қолган инсонлар кўплигидан фахрланаман.

Халқимиз, Ватанимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг, азиз юртдошларим!

Яна бир бор барчангизни, сизлар орқали бутун халқимни яқинлашиб келаётган энг азиз, энг буюк байрамимиз — Мустақиллик куни билан чин қалбимдан табриклайман.

МУСТАҚИЛЛИК 8 1991 – 1999

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Қосимжон ака тоғ чўққисида виқор билан атрофга маънодор боқиб турган бургутга бир зум тикилиб қолди. Сўнг ёнига ўгирилиб ҳамроҳига болаликдаги ҳаётидан бир лавҳа сўзлаб берди:

— Шу тобда кўнглимга Ҳамид Олимжоннинг афсонавий қуш — Семурғ ҳақидаги достони келди. Уни мактабдалигимизда домламиз қиёмини келтириб таърифлаганди. Ҳозир бу бургутни кўрдиму кўз ўнгимда ўша дамлар гавдаланди. Зеро, Семурғ афсоналарда ҳамиша одамлар учун, яхшилик, мардлик ва мангулик тимсолига айланган. Юрагида Ватан, эл ташвишини жо қилган ҳар бир Ўзбекистон фуқароси мана шу афсонавий қуш мисоли яшамоғи керак.

«Олам улуғ кишиларга бой» дея америкалик сатирик ёзувчи Кристиан Боуви бежиз таърифламаган. Мен ана шу табаррук сўзни давом эттириб олам ҳайрли ва улуғ ишларга ҳам бой дегим келади. Юртбошимизнинг мамлакат ва халқ тақдирини ўйлаб олиб бораётган ҳар бир улуғ иши шундан далолат бериб турибди. Уни кўриб, дилдан ҳис этиб қувонмаган, тўлқинланмаган одам йўқ ҳисоби...

Қосимжон Холдоровнинг ҳаётида етти ухлаб тушига кирмаган ишлар содир бўлди. Ер майдони оз, аҳолиси зич, Сариосиё туманини бошқариш унинг гарданига тушди. Бунинг устига халқ юксак ишонч билдириб ҳокимни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати этиб сайлади. Бу катта масъулият изланувчан, ишчан раҳбар учун улкан шараф ҳам эди. Сариосиё эса ўзига хос туман. Унда аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини излаб топиш сингари муаммолардан ташқари Тожикистондаги алюмин заводининг таъсирида оғирлашиб бораётган экологик ҳолатни мувофиқлаштиришдек хайрли ташвишлар ҳам бор. Шу билан бирга Сурхондарё вилоятида йирик саноат тумани ҳисобланмиш бу ҳудудда ечимини кутаётган бошқа муаммолар ҳам кам эмас.

Илгарилари туманда қолоқ хўжаликлар, корхоналар талайгина бўлган. Иқтисодий тикланишлар жараёни ташкилотларда, хўжаликларда турлича шаклланди. Нима қилиш керак? Ҳоким қандай иш услубига таянса хўжаликларнинг, корхоналарнинг оёққа туриши тезлашади. Савол бериш осон. Масаланинг ечимини топиш, моҳиятига кириб бориш эса анча мушкул эди. Вазиятдан чиқиш учун янгича услубда ҳаракат қилиш, ишлаб чиқаришдаги ҳали қўлланилмаган сир-синоатларни эгаллаш, одамларнинг меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартириб замон руҳига мувофиқлаштириш, уларнинг онгида ўзгариш қилиш, хўжаликларни бошқаришда раҳбар мутахассисларнинг талабчанлигини ошириш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, демократияни шакллантириш, энг муҳими одамлар ишончини қозониш зарур эди. Уларнинг қалбига чуқурроқ кириб бориш тақозо этиларди.

Кунларнинг бирида Қосимжон Холдоровнинг Сариосиё туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиги Шамсиддин Орипов ва ҳоким муовини Саъдулло Асқаров билан шу хусусда бўлган суҳбати анчага чўзилди. «Кенгашганга кенг дунё» деганларидек, улар туманни ҳар томонлама ривожлантириш истиқболларини атрофлича кўриб чиқишиб, ишга солинмаган янги имкониятларни кенг қўллаш масаласида ягона тўхтамга келдилар. Яъни улардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг фойдаланишни зарур деб топдилар.

— Иқтисодий ислоҳотлар ички имкониятларимиздан кенгроқ фойдаланишимизни тақозо этмоқда, — деди ҳоким дилининг тубидагини сиртига чиқариб. — Бизда ана бундай имкониятлар етарли. Айниқса, Шарғун тоғидаги Гулоб фосфарид табиий маъданларини илмий асосда ўрганиб, олимларни кўмакка чақирсак, бу ноёб халқ бойлиги ватанимизнинг тупроғини янада серҳосил айлаган бўларди.

Шу куни уччовлон иш манфаати юзасидан анча чақчақлашишди. Яъни қилинадиган ишларнинг ғоясини обдон пиширишди. Кейинроқ эса у борган сари чуқур илдиз ота бошлади. Аслида 1964 йили «САИГИМЗ»нинг А. Мергальо раҳбарлигида А. Чеснокова, В. Бичковалар иштирокида олиб борилган дастлабки илмий кузатувлар асосида Гулобод фосфори таркибидаги кимёвий элементларга илк хулосалар берилган эди. Мустақилликка эришилгачгина дунёнинг бу очилмаган синоатлари халқимиз равнақига хизмат қила бошлади.

Қосимжон Холдоровнинг ташаббуси билан янги фосфорид топилмаси тажриба синов тариқасида туманнинг пахтачилик, ғаллачилик, полизчилик майдонларида бир неча бор синовдан ўтказилди.

1996 йилги изланиш айниқса, яхши самара берди. Туманнинг «Тоғчиён» жамоа хўжалигида Қ. Қодиров етакчилик қилаётган 20 гектар пахтазордаги нимжон ғўзаларга фосфорид махсус техника ёрдамида берилди. Орадаги 40-45 кунлик кузатув шуни исботлади-ки, унли фосфорид ғўзаларга тетик ҳаёт бахш этди. Ғўза тобора эркин ривожланиб, бошқа майдонлардагидан анча серҳосил бўлиб етилди. Ғалвир сувдан кўтарилди. 20 гектар майдонда етиштирилган ҳосил гектар бошига 51,2 центнерни ташкил этди. Шу йили Бобур номли жамоа хўжалигининг П. Чўтов бошчилик қилаётган 8-бригадасида ҳам синов тариқасида ғўза фосфорид билан озиқлантирилди. Пахта ҳосилдорлиги ўша йили аввалгисига нисбатан 5-6 центнерга кўпайди.

1997 йили синов майдонлари кенгайтирилди. Шудгорлашдан олдин ҳар бир гектар ерга 850-980 килограммдан фосфорид берилди. Натижада ғалла ҳосилдорлиги туманда 41,6 центнерни, пахта ҳосилдорлиги 35 центнерни ташкил этди. Сабзавотчиликда ҳосилдорлик 230 центнерга кўтарилди. Биргина Пўлат Ҳидиров номли ширкатлар уюшмасининг Номоз Сафаров етакчилигидаги ғалла майдонларидан 60 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Туман иқтисодиётини юксалтиришга йўналтирилган бундай мисолларни биз яна кўплаб келтиришимиз мумкин.

Ишлаб чиқаришда олиб борилган таҳлиллар Сариосиё фосфориди таркибида 11-14 фоиз тоза фосфорид, 13-15 фоиз кальций оксиди, 0,9 фоиз магний оксиди, 0,9 фоиз алюминий, 1 фоиз серооксиди, 1,5-1,7 фоиз гидрогинут борлигини кўрсатди. Бу — унинг маъданларга бойлиги билан ажралиб туришини ҳам ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва кимёвий моддалар институти олимлари Сариосиёдаги янги фосфорид топилмасининг фойдали хусусиятлари тўғрисида аниқ хулосага келдилар: «Гулоб фосфориди янги маъдан топилмаси сифатида икки йилдирки Сариосиё тумани қишлоқ хўжалиги экинзорларида қўлланилиб келинмоқда, — дейилади унда. — Бу ўзининг ижобий натижасини бераяпти. Гулоб фосфорид топилмаси қўлланилган далаларда етиштирилган ҳосил мўл-кўл бўлди».

Биргина бу эмас: Сариосиёда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларда Қосимжон Холдоровнинг хизмати беқиёс. «Тўполангсув қурилиши» бошқармаси тасарруфидаги қатор қурилиш жамламаларининг ва тумандаги бошқа ташкилотларнинг меҳнатлари эвазига жуда қисқа муддатларда, деярли 70 кун ичида қишлоқ хўжалик коллежи қад ростлаб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Ўзига хос меъморчилик услубига эга бўлган бу ердаги «Пахта» банки, Миллий банкни кўриб, шинам чойхоналарда ўтириб дилинг яйраб кетади.

Туманнинг салоҳиятини белгиловчи бундай катта ишларнинг бошида ҳоким бованинг ўзи турганига сира ишонгинг келмайди. Аммо бу бор гап. Қосимжон ака катта ҳаётий тажриба, юксак малакага эга эмасми, ҳар бир қурилишга алоҳида меҳр билан қарайди. Унинг шарқона безакларини қалб қўридан ўтказади. Уларнинг ҳали кўп авлодларга хизмат қилишини ҳаёлидан қочирмайди.

Хуллас ҳар бир бино, ҳар бир иморат унинг учун азиз ва қадрли. Эришилаётган ютуқларнинг ортида эса янгича иш услубларини ҳаётда кенг қўллаш, энг муҳими, ёш кадрларни танлаб жой-жойига қўйиш, уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор бериш каби нозик жиҳатлар турибди... Зеро, яхшилик сари қўйилган ҳар бир қадам қутлуғ бўлади, қутлуғ келади. Шуларни ўйлаб даъфатан Қосимжон Холдоровнинг қадами Сариосиё учун қутлуғ келганини кўнгилдан ўтказдик.

Туман қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича Сурхондарё вилоятида қувончли натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Бирор йил йўққи, режалар бажарилмаётган бўлса. Шунга монанд бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари ҳам авжида. Яъни, Сариосиё иқтисодий ислоҳотлар силсиласида муҳим-ижобий ўзгаришлар сари юз бурган.

Сервиқор Шарғун тоғлари, унинг ёнбағридаги яшил арчазорлар кўзни қувонтиради. Азим тоғ бағридан кўмир конига бораверишингизда яна бир корхона бўй ростлаб турибди. Бу — янги қурилган фосфорид корхонаси. Унда ер хамиртуриши — фосфорид тайёрланиб, хўжаликларга жўнатилмоқда...

Фосфорид корхонасини кўздан кечираётган Қосимжон аканинг ниғоҳи яна баланд қоялар узра кенг қулоч ёзиб, учиб бораётган бургутга қадалди. Унинг парвози гўзал ва бетакрор эди. Бу манзарани бир зум назардан ўтказган ҳокимнинг кўнглидан негадир шу дамда орзулари парвоз айлаган кезлар келди. Одамни одам қиладиган нарса аслида меҳнат экан. Инсон қийинчиликлардан чўчимай ўз орзулари томон дадил интилса мақсадлари рўёбга чиқиб бораверар экан. Қосимжон ака ҳаётида бунга кўп бор гувоҳ бўлган. Мана, яқин ўтмишда Тўпаланг дарёсида Сариосиёдан ташқари вилоятнинг яна бир нечта туманига электр энергияси етказиб берувчи гидроэлектр станцияси ишга туширилади десак бировга ғўёки чўпчак айтилаётгандек туюларди. «Тўпаланг» сув қурилиши бошқармаси бунёдкорлари янги иншоотда ҳозир охирги ишларни ниҳоясига етказмоқдалар. ГЭС ишга туширилгач бир йилда туманга 600 миллион сўм даромад келтиради. Кейинчалик ундаги нурбулоқлар янада кенгайтирилиб, қуввати оширилади. Албатта бундай хайрли ишларда Қосимжон ака Холдоровнинг алоҳида хизматлари бор.

Турсун БОЙ.

ШИРИН БАЙРАМ АРАФАСИДА

Энергетиклар шаҳри Ширинда мамлакатимиз истиқлолини саккиз йиллиги байрамига ҳар қачонгидан ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Маълумки, шаҳарда Сирдарё ГРЭСи ва Фарҳод ГЭСи жойлашган бўлиб, бу икки нурхона нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё республикалари халқ хўжалигини ҳам электр қуввати билан таъминлайди.

Шаҳарда саноат, қурилиш, транспорт, тиббиёт, маданият ва маърифат соҳаларида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилаётир. Икки улкан нурхонадан ташқари 400 га яқин давлат ва нодавлат тизимидаги корхоналар, ўрта махсус билим юртлари, клуб ва кинотеатрлар, мактаблар ва болалар боғчалари фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда Ширин энергетика техникуми, шунингдек, Ширин касб-ҳунар лицейи замон талабларига жавоб бера оладиган коллежларга айлантирилди. Ҳар икки билим масканида янги лойиҳа бўйича қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Ўтган саккиз йил давомида шаҳарда қарийб 5 миллиард сўмлик капитал қурилиш ва ободончилик ишлари бажарилди. Оналар ва болалар саломатлик маркази, нон ва нон маҳсулотлари заводи, кўплаб турар-жой ва маданий-маиший бинолар барпо этилди. Шаҳар ўз газетаси, телевидениеси ва радиосига эга бўлди.

Шаҳардаги саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари жорий йил етти ойи топшириқларини қувонарли натижалар билан якунлади. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 141 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 175 фоиз бажарилди. Капитал маблағларни ўзлаштириш, қурилиш-монтаж, савдо, пулли ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди. Аёллар йилида оила манфаатларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларга оилада ва жамоат ишларида фаол иштирок этиш учун етарли шароит яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ширинликлар истиқлолимизнинг саккиз йиллигини ўзгача руҳ, ўзгача шукуҳ билан кутиб олмоқдалар. Байрам дастуридан она-Ватан, Мустақиллик, буюк истиқбол, миллий ва умумбашарий қадриятларни мадҳ этувчи ранг-баранг тадбирлар ўрин олган.

А. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири

Тиббиёт янги босқичда

ЎН МИНГ ДАРДНИ ДАВОЛОВЧИ ШИФОКОР...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрда эълон қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури» тўғрисидаги Фармонида Соғлиқни сақлаш вазирлиги олдига қатор муҳим масалаларни амалга ошириш, шу жумладан, аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий хизматни жаҳон андозалари даражасига кўтариш вазифаси қўйилган. Қуйида мухбиримизнинг Соғлиқни сақлаш вазири, профессор Феруз НАЗИРОВ билан шу соҳада олиб бораётган ишлар ҳақидаги суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Феруз Ғофурович! Республикамиз Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури» тўғрисидаги Фармонида халқимизга кафолатланган бирламчи бепул тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ва уни жаҳон андозалари даражасига кўтаришга алоҳида эътибор берилган эди. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Тиббий хизматга муҳтож бўлган юртдошларимизнинг акарияти, айниқса, қишлоқ жойларида ўрта тиббиёт ходимларига мурожаат қилишга мажбур бўлар эдилар. Чунки собиқ Иттифоқ даврида қишлоқларда тиббий хизмат кўрсатиш кўп поғонали бўлиб, беморлар аввал фельдшерлик-акушерлик пунктларида, кейин қишлоқ врачлик амбулаторияси шароитида даволанар эди. Зарурат бўлган тақдирда улар малакали тиббий хизмат кўрсатиши чегараланган қишлоқ участка шифохоналарига ётқизилиб, муолажа қилинар ёки туман марказий шифохонасига юборилар эди. Бу тизим авваламбор кўпчилик беморларни касаллигининг эрта даврларида бирламчи малакали врачлик тиббий хизматини олишдан маҳрум қилса, иккинчидан даволаш таннархини бир неча баробар юқори бўлишига олиб келар эди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган Фармон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги қарори аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий хизматни юқори даражага кўтариш учун замин яратди. Қишлоқларимизда жаҳон андозаларига мос қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, ишга туширилмоқда, шаҳарларимизда эса шаҳар ва маҳалла врачлик пунктлари ташкил қилиняпти. Бунинг натижасида беморларнинг қишлоқ жойларида ҳам бевосита врачга мурожаат қилишлари учун шароит яратилди. Бу эса юқоридаги тиббиёт муассасаларида ишловчи, ҳар томонлама малакали ёрдам кўрсатувчи шифокор, яъни, умумий амалиёт врачларини тайёрлашни кун тартибига қўйди. Улар аҳолига зарур тиббий ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда кенг кўламда профилактик ва тушинтириш ишларини ҳам олиб борадилар. Зарурат бўлган тақдирда беморларни туман, вилоят ва бевосита Республика марказидаги клиникаларга ёки ихтисослаштирилган марказларга даволаниш учун юборадилар.

— Демак, фельдшерлик-акушерлик пунктлари, қишлоқ врачлик амбулаториялари ва қишлоқ участка шифохоналари тугатилар эканда?

— Қишлоқ врачлик амбулаториялари ва фельдшерлик акушерлик пунктлари ўрнида юқорида таъкидлаганимиздек, замонавий қишлоқ врачлик пунктлари қурилмоқда. Аммо айрим чорвадор, тоғли ва ярим чўл ҳудудларида улар сақланиб қолинади.

— Муҳтарам вазир жаноблари, Сиз ташкил этилаётган қишлоқ, шаҳар ва маҳалла врачлик пунктларида аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатувчи умумий амалиёт врачлари ишлайди деб айтиб ўтдингиз. Улар ҳозирги шифокорлардан қайси жиҳатлари билан фарқ қиладилар?

— Ҳурматли газетхонларимизга тушунарли бўлиши учун бироз мозийга қайтмоқчиман. Тиббиётнинг тарихига бир назар солсак, унинг илк даврларида табибларнинг деярли барчаси беморларга кўп қиррали ёрдам кўрсатганлар. Бунинг тасдиғи бўлиб тиббиётнинг отаси ҳисобланган Гиппократ, табобатда ўчмас из қолдирган машҳур бобокалонимиз Абу Али Ибн Сино ёки шарқнинг таниқли табиби Ал Розий фаолиятларини кўрсатиш мумкин.

Авваламбор беморда кўп ҳолларда бир вақтнинг ўзида бир неча инсон аъзоларининг касалликларига хос бўлган белгилар пайдо бўлади ва шифокор уларнинг ҳар бирини тиббий нуқтаи назардан тўғри баҳолай олмоғи лозим. Бундан ташқари биз инсон руҳий ҳолати билан танаси ҳамда ички аъзолари орасида узвий боғлиқлик борлигини бир дақиқа ҳам унутмаслигимиз керак. Бинобарин, ушбу боғлиқлик белгиларини у ёки бу шахсда қайси кўринишда намоён бўлишини фақат уни узоқ кузатган шифокоргина тўғри баҳолай олади. Бемор билан шифокор орасидаги ўзаро муносабатларнинг узлуксиз бўлишининг айниқса даволанувчи учун аҳамияти жуда каттадир. Фақат умумий амалиёт врачигина юқоридаги талабларга тўлиқ жавоб беради.

— Бир шифокор инсонларда учрайдиган барча касалликларни аниқлаши ва даволаши мумкинми?

— Ҳақиқатдан ҳам умумий амалиёт врачи кенг қиррали фаолият кўрсатувчи мутахассис эмас, у чекланмаган билимга эга бўлмоғи лозимку деган савол туғилади. Аммо фақат бизнинг Республикамизда — тиббиётда 78 йўналиш бўйича мутахассислик мавжуд. Россия Федерациясида эса улар сони 173 тага тенг. Инсонларда 10 мингдан ортиқроқ касаллик турлари учраб, улар 100000 дан кўпроқ белгилар билан намоён бўлади ва уларни ташхислаш учун 400 га яқин турли лаборатория синамаларидан фойдаланилади.

Маълумки, бир мутахассис бунчалик кенг қамровли билимни эгаллаш имконига эга эмас, қолаверса, бунга зарурат йўқ ва мақсадга мувофиқ ҳам эмас.

Демак, шундай экан, умумий амалиёт врачининг билим даражаси ва тиббий хизмат кўрсатиш кўлами тиббиётнинг турли йўналишлари бўйича тиббиётнинг бирламчи бўғинида ишлаши учун зарур бўлган даражада бўлмоғи лозим. Мисол учун улар мижозларига тўғри кўзойнак танлашни, амбулатория шароитида кичик жарроҳлик амалиётини бажаришни ва ҳоказоларни билишлари керак. Ёки бошқача қилиб айтганда, умумий амалиёт врачи тизимига ўтилиши беморларнинг арзимас муолажалар учун ортиқча оворагарчиликлардан холос бўлишига шароит туғдиради.

— Демак, бундан буён шифокорларни тайёрловчи тизимда ҳам ўзгаришлар бўлар эканда?

— Республикамизда қабул қилинган кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида даволаш ҳамда педиатрия йўналишлари бўйича ўқиш муддати 7 йил қилиб белгиланган. Ёш мутахассисларга ўқишни муваффақиятли тугатганларидан сўнг бакалавр — умумий амалиёт врачи дипломи берилади. Уларнинг бир қисми ўқишларини магистратурада давом эттириб, тор мутахассисликларни эгаллашлари мумкин. Ҳозир умумий амалиёт врачларини тайёрлаш учун зарур бўлган барча меъёрий ҳужжатлар (Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва бошқалар) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган. Талабалар сўнгги курсда келгусида ўзлари ишлашлари лозим бўлган шароитда ўқишлари учун барча тиббиёт институтларида ўқув врачлик пунктлари ташкил этилмоқда. Бу ўқув врачлик пунктларида улар жойлашган ҳудудлардаги аҳоли бириктириб қўйилади. Юқори малакали кафедра ўқитувчилари охирги курс талабалари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида кенг профилактик ишларни олиб борадилар, ўз вақтида тиббий эмлашларни ўтказадилар, зарурат бўлганда амбулатория шароитида беморларни даволайдилар. Бошқача қилиб айтганда, у ерда беморларга малакали тиббий ёрдам олишлари учун керакли шароит туғдирилса, талабалар зарур бўлган тўлиқ амалий кўникмаларни эгаллайдилар.

— Ҳурматли Вазир жаноблари, Сиз юқорида тўхталиб ўтган умумий амалиёт врачлари хизмати жаҳондаги бошқа мамлакатларда ҳам мавжудми?

— Ривожланган барча мамлакатлар аллақачон бу тизимга ўтишган. Мисол учун Буюк Британияда 1960 йиллардан бошлаб тиббиётнинг бирламчи бўғинларида тўлиқ умумий амалиёт врачи тизимига ўтилган ва 70-80 фоиз беморларга фақат улар тиббий ёрдам кўрсатадилар. Умумий амалиёт врачи тизимига ўтилиши уларда энг аввало аҳолига қулайлик туғдирган бўлса, қолаверса, тиббий ҳамда иқтисодий томондан самарадорлиги билан ўзини оқлаган.

Шунинг учун бизнинг асосий вазифаларимиздан бири ҳам малакали умумий амалиёт врачлари тайёрлаб қишлоқ, шаҳар ва маҳалла врачлик пунктларида аҳолига кўрсатилаётган кафолатланган бепул тиббий хизматни жаҳон андозалари даражасига кўтаришдан иборатдир. Зотан, давлатимиз раҳбари томонидан «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури» тўғрисидаги Фармонида кўзда тутилган асосий вазифалардан бири ҳам шундан иборатдир.

Мурод ҲАЛИЛОВ
суҳбатлашди.

• Бунга нима дейсиз?

ЎЗИ ЙЎҒУ ГЕРБИ БОР

Мана жонажон Ўзбекистонимизнинг истиқлолга эришганига ҳам 8 йил бўляпти. Шу қисқа муддат ичида юртимизда оламшумул ютуқлар қўлга киритилди. Жаҳон харитасида пайдо бўлган мустақил Ўзбекистонни дунё танимоқда. Унинг байроғи бирлашган Миллатлар ташкилоти олдида мағрур ҳилпираб турибди.

Мамлакатимиз рамзини ифодаловчи герб ҳам расмий ҳужжатларда, қўринарли жойларда ўз ўрнини муносиб эгаллаган. Ҳозир ҳар бир ўзбекистонлик ёшу қаридан сўрасангиз гербимиз, байроғимиз қандайлигини тўлқинланиб батафсил таърифлай олади.

Ватан рамзлари билан фахрланиш ҳар бир инсон қалбига жо бўлгандагина у ҳақиқий ватанпарварга айланиши, эл-юрт равнақи, тараққиёти учун ёниб яшаши, ҳалол, баркали меҳнат қилиши мумкин.

Лоқайдлик эса бефарқликни келтириб чиқаради. Бефарқликдан Оллоҳнинг ўзи асрасин. Ҳамма иллатнинг илдизи лоқайдликдадир. Бундай одамлар бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар қабилидаги кайфиятда юришади. Оламни сув босса тўпиқларига чиқмайди. Тараққиёт тормозлари айни шулардир.

Биргина мисол. Пойтахтимизнинг муқаддас қадамжоларидан бири «Халқлар дўстлиги» майдонида катта иншоот қад ростлаган. Унинг тепасида эса, собиқ СССР герби ўртада савлат тўкиб турибди. Атрофида собиқ иттифоқдош республикаларнинг, яъни ўзи йўқ давлатларнинг рамзлари — герблари намоён.

Юқорида айтганимиздек, Иттифоқ таркибига кирувчи Ўзбекистон аллақачон йўқ. Унинг ўрнида дунё ҳамжамиятида тобора ўз ўрнини топиб бораётган Мустақил Ўзбекистон бор. Унинг ўз байроғи, рамзи бор. Шундай экан, «Халқлар дўстлиги» майдонидаги рамзлар кимники? Балки буни шу нарсани ҳар куни кўриб, ўзини қўрмаганга олаётган лоқайд мутасаддилар айтиб беришар.

Мурод ХАЛИЛОВ,
Каримжон РИХСИЕВ.

СУРАТДА: «Халқлар дўстлиги» майдонидаги ҳозирда ўзи йўқ давлатларнинг савлат тўкиб турган герблари.

Ҳусанбой АВВАЛОВ
олган суратлар.

Хотира қалбдаги ҳайкалдир

CHUSTIY 95 YIL NABIXON XO'JAEV

ЧУСТИЙ ГУЛДАСТАСИ

Ғазалнавис шоир Чустий (Набихон Хўжаев) шўролар даврида яшаб ижод этган арузнавис шоирларнинг иккинчи авлоди: Чархий, Собир Абдулла, Ҳабибий каби ижодкорлар қаторида ўз муносиб ўрни ва ўз овозига эга бўлган асл санъаткордир. Шоир 80 йил умр кўрди (1904-1983). У ўзининг бутун онгли умрини ижодий фаолият ва шеърият билан ҳамнафасликда ўтказди: аруз ва ғазал шайдоларига салмоқдор мерос қолдирди.

Чустий ғазалиётининг асосий қаҳрамони шоирнинг ўзигина эмас, шу билан бирга халқ, Ватан ва дилкаш дўсту ёрдам.

Халққа, Ватанга, ҳақиқатга садоқат, элу-юртнинг ширин орзу-умидлари ва нозик туйғуларини куйлаш, чинакам инсоний дўстлик ва қардош миллатлар биродарлигини улуғлаш, бебаҳо севги ва фидойи садоқатни ардоқлаш, мардлик, олижаноблик ва эзгуликни қадрлаш, тубанлик, ёвузлик ва мунофиқликни қоралаш — ана шулар Чустий ғазалиётининг асосий ғоявий-эстетик йўналишларидир. Дарҳақиқат, Мавлоно Чустийнинг хассос қалбида уч офтоб ҳамиша порлаб туради; санъаткор шоир ўзининг «Тўёна» сарлавҳали ғазалида бу хусусда шундай ёзади:

Бунда қиш йўқ, кечаси йўқ,
нур сочар уч офтоб,
Яъни юрту давру — эл ишқи —учов ҳамхонадир.

Чустий ғазалиётида уч тоифа «Дилбар» ёки «Севикли ёр» образи бор: биринчидан, бу — она халқдир; иккинчидан, бу — она Ватандир, она диёрдир; учинчидан, бу — мафтункор маҳбубдир.

Маълумки, шоир Чустий ҳам ўзбек ва тожик тилларида баб-баравар етук асарлар ярата олган зулисонайн истеъдод соҳибидир. Унинг буюк устозлари қаторида Алишер Навоий ва Бобур, Машраб ва Фузулий, Зебуннисо ва Нодира, Муқимий ва Фурқатларни, айни пайтда форс-тожик адабиётининг Рудакий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, С. Айний, Лоҳутий, Мирзода Ишқий, М. Турсунзода сингари улкан сиймоларни кўрамиз. Чустий ана шу атоқли сўз санъаткорларининг эстетик ва бадиий дурдоналарини форс-тожик тилидан ўзбекчага маҳорат билан таржима этди.

Чиндан ҳам, дўстлик Чустий ижодида ғазалликнинг бир устивор ақидасидир. Бу эстетик ақида шоир ғазаллиётида умумжаҳонийлик миқёсини касб этади. Чунончи, «Бўлса бас» сарлавҳали машҳур мусаддасида, оламда Қуёш битта бўлгани каби, бутун жаҳон халқлари ҳам мустаҳкам биродарлик ва дўстлик ришталари билан ўзаро ҳамжиҳат ва ҳамнафас бўлишларини орзу қилади.

Маҳмуджон НУРМАТОВ,
Фалсафа фанлари доктори, профессор.

Акс садо

ЙЎҚОЛСИН, «КЎЧАДАГИ МУҲАББАТ»!

«Адолат»нинг 1999 йил 30 июль 29-сонидаги деярлик барча материалларни, айниқса 3-4-саҳифада ифода қилинган «ҳангома»ларни катта қизиқиш билан ўқидим. Тўғри, кўчадаги муҳаббат масаласи янги мавзу эмас, лекин газетамизнинг бу сонида берилган факт ва мулоҳазалар илгари бошқа газеталарда эълон қилинган материаллардан сифат жиҳатидан кескин фарқ қилади. Мақола муаллифлари мақола объектини синчиклаб ўрганганликлари, унинг ўзига хос томонларига алоҳида эътибор бериб, газетхонга ҳар томонлама етказишга алоҳида аҳамият берганликлари сезилиб турибди.

Айниқса мақоланинг хотима қисмида «нима қилмоқ керак» деган кичик сарлавҳа остида қатор долзарб таклифлар берилгани мақоланинг қадр-қийматини янада оширган. Мен мақоланинг айниқса ҳозирги даврда долзарблиги, тарбиявий жиҳатдан аҳамиятлилиги, наркотик моддалар истеъмол қилиш билан чамбарчас боғланганлиги ҳақида гапириб ўлтирмайман, унинг фақат катта ёшдаги тажрибали «ошиқ»лар учунгина эмас, балки балоғат ёшидаги йигит ва қизлар, осонлик билан пул топиб, ундан қандай фойдаланишни билмасдан қинғир кўчаларга йўрғалаётган ёшлар учун фойдали эканлигини қайд қилиб ўтмоқчиман.

Мақолада кўпроқ аёлларнинг номлари тилга олинса ҳам, лекин бўйдоқлар ва номард эркаклар номлари кам тилга олингани, кўзини сузган «ғунажин»ларга ўйламасдан қармоқ ташлайдиганлар ҳақида кам тўхталинганга ўхшайди.

Мақолада хориждан келтирилган видеомагнитофонни қўйиб кўриш, фоҳиша бозоридаги муносабатда қўлланиладиган иборалар кўпчиликка қизиқарли. Материал газетада чиққан куни қўшни маҳалладаги чорлардан қайтаётган аёллар бири олиб, бири қўйиб жуда қизиқиш билан муҳокама қилганликларининг гувоҳи бўлдим. Бу мақола устида иш олиб борган журналистларнинг моҳирлигидан дарак беради.

Энди мақолада ўртага ташланган қатор таклифларга қўшилган ҳолда ўз мулоҳазаларимни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Мақоладаги «мазкур соҳа билан шуғулланишни малакали мутахассислар зиммасига юклаш, ахлоқ ва вояга етмаганлар билан шуғулланувчи ички ишлар бўлимини тиклаш керак» деган таклифга қўшилса бўлади. Бу бўлимга кетадиган харажатларни гуноҳкорларнинг зиммасига юклаш керак (видеоаппарат, транспорт харажатлари). Бунинг учун улардан жарима сифатида тегишли маблағ ундириш лозим бўлади.

Шаҳардаги «кўчадаги муҳаббат»га хизмат қилувчи ресторан, кафе, бар ва дискотекалар устидан мунтазам назорат олиб бориб, рухсат этилмаган бу иш билан шуғулланганларини ёпиб қўйишдан олдин унга нисбатан жарима тизимини қўллаш керак. «Кўчадаги муҳаббат» билан қўлга тушганларга ҳуқуқий чоралар қўллаш масаласини кенг муҳокама қилиб, ҳокимиятлар томонидан қарор қабул қилиш керак. Уларнинг қилмишларини иш жойларига маълум этиш билан чегараланмасдан, турар-жой, маҳаллалари, отасининг исми ва таржимаи ҳолларини матбуотда эълон қилиш, уларнинг суратларини босишни ўйлаб кўриш ва бу орқали маҳалла ёрдами билан жамоатчиликнинг фикрини тарбиявий масалаларга қаратиш керак.

Айрим тижоратчи китоб сотувчиларда рус тилида сотилаётган адабиётлар орасида «кўча муҳаббати»га бағишланганлари учраб туради. Булар юқори баҳоларда сотилмоқда. Ҳозирги ёшларимизнинг кўпчилиги рус тилидаги ана шундай «муҳаббат» адабиётига яхши қизиқишади. Бундай адабиётларни чегаралаш керак. Телевидениеда муҳаббат масалаларига бағишланган кўрсатувлар кўпайиб бормоқда. Бу кўрсатувларни «кўча муҳаббати»га таъсир қилмайди, деб бўлмайди. Имконият бўлса телевидениеда айниқса Москвадан «кўча муҳаббати»нинг хилма-хил шаклларини кўрсатишни қисқартириш керак. Кейинги ойларда олийгоҳлардаги толиб ва толибалар орасида тарбиявий мавзуларда тушунтириш ишлари анча яхшиланди. Бироқ бу кам. Фикримча, толиблар ва толибалар учун алоҳида-алоҳида «кўча муҳаббати»нинг тиббиёт жиҳатидан қандай касалликларга олиб келиши ҳақида шифокорлар томонидан маърузалар ташкил қилиниши керак.

Газетанинг шу сонидаги «Аёл ва хиёнат» номли ҳикоялар ҳам моҳирлик билан ёзилган. Бу ҳикояларда асосан қўш хотинли айрим фуқаролар ҳақида гап боради. Фикримча, бу йўналишда ҳам мунтазам материаллар эълон қилиш керак. Қўшхотинликнинг оила бюджетига таъсирини кўрсатувчи жонли фактлар, мисоллар керак. Фоҳишабоз ва қўшмачиларнинг маблағига доир маълумотларни улар ишлаб турган жойлардаги солиқ инспекциялари орқали талаб қилиб олиш ва чора кўриш мумкин. Хуллас, юқорида номлари тилга олинган материаллар билан «Адолат» газетаси жамоасини эришилган янги муваффақиятлар сифатида табриклаймиз!

Ҳикмат СОБИРОВ,
Банк-молия академияси илмий кенгашининг аъзоси, профессор.

ЭҲТИРОМ

+ Чустий домла на фақат забардаст шоир, моҳир таржимон, балки аскиячиларнинг пири ҳам бўлганлар десам хато қилмайман. Бир куни, унда мен Кўкча даҳасида истиқомат қилардим. Чустий домла уйимизга қўқонлик дўстлари Ибодулла Раҳматуллаев билан кириб келдилар. Мен ҳовлида ўнта пақирга райҳон ўтказиб қўйган эдим. Домланинг кўзлари шунга тушди-ю, пақир (фақир) сўзини пайров қилиб: — Райҳонлар биз пақир (фақир)ларга муносиб эканда, — дедилар. Ибодуллоҳ ака ҳам шунга моманд жавоб қайтардилар. Шундай қилиб бу икки сўз устаси ярим соатдан ортиқ шу пайровда лутф сўзлашди. Шунда мен домла нафақат шеъриятда, балки аскияда ҳам мисли йўқ сўз устаси эканликларига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Маъруфхўжа БАҲОДИРОВ,
Ўзбекистон ва Тожикистон халқ ҳофизи.

+ Мавлоно Чустийнинг илҳоми жуда тез ва жўшқин эди. У киши қўлига қаламдафтар олдими, илҳом ўзи мавжли дарёдек оқиб келаверарди. Домлада шеър ўқиш маҳорати ҳам кучли эди. Шеър ўқиганда ҳам аруз вазнининг ҳамма қоидаларига риоя қилган ҳолда ёқимли овоз билан, ниҳоятда таъсирчан ўқирди. Баъзилар ўзлари ёзган нарсани тутилиб-тутилиб, аранг ўқиб берсалар, Чустий домла 5-10 та шеърни кўтаринки рух билан ёд айтиб берарди.

Домла Чустий халқ орасидан етишиб чиққан ноёб истеъдодли, ҳақиқий халқ шоири эди. Ул зот ҳеч қачон бирор унвон олиш ёки мансабга эришиш мақсадида ижод қилмаган. Балки, халқ муҳаббати у киши учун энг катта унвон эди ва охиригача шундай бўлиб қолди.

Музаффар НАБИҲОН ўғли,
шарқшунос олим.

ТУҲМАТНИНГ УМРИ ҚИСҚА

Чустий домла билан узоқ суҳбатлашиб ўтирардик. Бир савол билан домланинг фикрини чалғитиб юбордим. Шоири замон бир хўрсинди-ю, у кунлар ўтдикетди, жиян, қўй энди эслатма у кунларни деди. Лекин қистовимга кўра зўрға «ёрилди»...

Алгов-далгов замон эди ўшанда. Одамлар ўртасида оқибат қутарилганди. Лекин Чустий қаерда бўлмасин ўзининг ҳозиржавоб ғазаллари билан одамларни инсофу диёнатга, меҳр-оқибатга, меҳнатга чорлар эди.

Халқда шундай нақл бор: «Ғадонинг душмани гадо». Домланинг истеъдодини кўролмаган бир гуруҳ ҳасадгўй ва маҳаллийчи ғаламислар «йилт» этган одамга тош отмасдан қўйишмасди. Тирноқ орасидан кир қидиришарди. Домлага ҳам «айб» топишди. «Сиз совет шоири бўла туриб, ўглингизни хатна тўйи қилдингиз» деган уйдирма-туҳматни осишди. Сунъий равишда уни Ёзувчилар уюшмасидан четлатишди. Домланинг шеърлари радио ва матбуотда кўринмай қолди.

Аммо шоир тушкунликка тушмади. Аксинча унинг ёзган ҳар бир ғазали ҳали сиёҳи қуримай туриб тўю томошаларда, базм ва йиғилишларда олдингидан ҳам баралла айтиларди. Ўз ҳақлигига мутлақо ишонган мавлоно ижодини бир зум ҳам тўхтатмади. Ғазаллар ёзилаверди...

— Бир куни Шароф Рашидовнинг ҳузурига кирдим, — деб эслайди домла. — У киши Оқил Салимовни чақириб: — Бу кишини танийсизми? — деди. Салимов: — Ҳа, танийман, — деди. Шароф ака: — Баъзилар ароқ ичиб, иштонини ҳўл қилиб, ариқларда думалаб ётганда, халқ қурилишларида ўз ижоди билан астойдил хизмат қилган шоир Чустий шу киши бўлади. Менинг номимдан керакли жойларга айтинг, Чустий йўлидаги барча ғовлар олиб ташлансин. Шеърлари радио, телевидение ва матбуотда эълон қилинаверсин, деди.

Ҳа, бир оғиз гап билан домлага отилган туҳмат тоши чилпирчин бўлди. Шундан кейин домланинг бир қанча шеърий тўпламлари эълон қилинди, ғазаллари радио ва телевидениеда ўқила бошланди, матбуот юзини кўрди...

Мустақилликка эришганимиздан кейин домланинг ижодига эътибор янада кучайди. У кишининг қатор девонлари нашрдан чиқди. Энг муҳими, Чустий Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қайтадан тикланди. Шоирнинг ўзи айтганидай:

Саодатнинг қуёши ер
юзига ёғду сочмоқда,
Кулиб қомат кўтарган
лолалар
вайроначалардан ҳам.

Ҳа, ҳақиқат эгилади, букилади ва аммо синмайди. Домланинг душманлари унинг тик қоматини буколмадилар. Улуғ шоир ғоз келиб, ғоз кетди. Унинг ўлмас сатрлари эса ўзбек халқига мерос бўлиб қолди.

Тўхтамурод ТОШЕВ.

ЭЙ ВАТАН

Эй Ватан, жоним фидо бўлсин юзинг нақшига,
Таъзим ўргатди келиб илҳом парисин қошига.

Лиммо-лим меҳринг дури тўлган хазинангдур дилим,
Ухшади наздимда гавҳар дашту чўлинг тошига.

Сўзда номинг бўлса, дилларга жойланур,
Ерга ҳаргиз у тўкилмас ўхшамас кўз ёшига.

Ҳар киши Ой Қуёшдек сенга хизмат айласа,
Ер кўтаргай кўкка-ю халқим кўтаргай бошига.

Айланай сендан Ватан, ҳаттоки умрим борича,
Тўхтамай ҳар лаҳза мен гўёки Ер йўлдошига.

Айладинг, тинчлик тўйи деб, мўъжизотинг-ла хабар,
Қолмади иш энди ўтмишнинг чопар извошига.

Завқ ўтида кўк танурин қиздириб ноёб фалак,
Чап-чапу ширмон ёпибдир, эл келур тўй ошига.

Эрку меҳнат-ла зафар, иқбол қозони қайнаган,
Ҳар киши ўз ҳиссасидан баҳраманд бош-бошига.

Тонг пичиб тикмасданоқ янги ютуқ сарпосини,
Мужда бор, Чустий, дединг элнинг қарию ёшига.

ЧУСТИЙ.

Кулги бекати

— Бугун мен қораловчининг устидан мазза қилиб куламан, — деди айбланувчи ўз оқловчисига ғурур билан.

— Қандай қилиб? — сўради оқловчи.

— Бугунги судга у менинг айбимни исботлаш учун 35 та гувоҳни таклиф қилибди. Биринчи гувоҳ кириши билан ҳамма айбимга ўзим иқрор бўламан...

* * *

— Шаҳрингиз жуда ажойиб экан. Аҳоли сони ҳам тез ўсаётган бўлса керак?

— Унчаликмас. Битта гўдак туғилди дегунча, эркаклардан бири шаҳардан жуфтакни ростлаб қолади.

* * *

— Жаноб Дюпон, сиз банкни ўмаришда айбланаяпсиз. Ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми?

— Йўқ, жаноб судья. Банк ўмарилган пайтда мен Ретелье кўчасидаги заргарлик дўконининг қулфини бузаётган эдим.

* * *

Оилавий жанжалдан сўнг хотин эрига қичқирди:

— Бўлди, энди мен ортиқ чидай олмайман! Онамникига кетаман! Йўлга етти юз сўм пул беринг.

— Билет нархи 350 сўм-ку?

— Қайтишга-чи?..

* * *

Фермер дўстига айтаяпти:

— Фермамда ғаройиб бир хўкиз боқаяпман. Кўрсанг ҳайрон қоласан, ўта хунук, бунинг устига оёғи иккита.

Дўсти жавоб қайтарди.

— Биламан у тасқарангни, мана бир неча ойдирки, қизимнинг ортидан эргашиб юрибди.

* * *

Икки дўст суҳбатлашяпти:

— Дейлик уйингга кеч қайтдинг. Шунда хотининг елкангда лаб бўёғининг изини кўриб қолди, нима қилган бўлардинг?

— Менми, шундай дердим: «Жонгинам, кўрдингми, қандай тезлик билан ўгирилиб олганимни».

* * *

Иккита ўлгудек маст ярим кечаси аёллар манастирининг дарвозасини тақиллатишаяпти. Шунда кимдир ичкаридан қичқирди.

— Кимсизлар? Тезда жўнаб қолингларчи, бу ерда Исонинг хотинлари яшашади.

— Жуда яхши, — деди улардан бири ғўлдираб. — Дарвозани тезроқ очинглар, биз қуёв томонданмиз.

* * *

Терговчи айбдорни сўроқ қилаяпти:

— Нега «хе йўқ — бе йўқ» тўсатдан хотининингизни урдингиз?

— Тўсатдан урганим йўқ. Қулай вазиятдан оқилона фойдаландим, холос. Унинг қўллари банд — хамир қораётган эди. Ўқлоғи эса қўли етмайдиган жойда турарди. Энг муҳими — орқамда кўча эшиги ланг очиқ эди. Муҳтарам терговчи, бундай имкониятни бой берганимда, бир умр пушаймон бўлардим, ахир...

* * *

Қора курсида ўтирган жиноятчидан:

— Айтинг-чи, нима учун қалбаки пуллар ясадингиз? — сўради судья.

— Ҳақиқийсини ясашга қанча уринсам ҳам ҳеч уддасидан чиқа олмаяпман-да...

* * *

Ногаҳонда бир кишини қутирган ит қопиб олди. У шифохонадан уйига қайтгач, бир варақ қоғоз олиб нималарнидир тез ёза бошлади.

— Азизам, нималарни ёзаяпсан, ҳар қалай васиятнома эмасми? — сўради хотини.

— Йўқ, бу агар менга даволаш таъсир қилмаса, тишлаб олишим зарур бўлган кишилар рўйхати.

Ажаб савдолар

СОХТА ҲАҚИҚАТГЎЙ

ёки бир аламзаданинг жазаваси

Оҳангарон шифер ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти республикамизнинг энг йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган ўндан ортиқ қурилиш ашёлари мамлакатимиз эҳтиёжларига ишлатилибгина қолмай, қўшни республикаларга ҳам чиқарилади. Корхонанинг кейинги йилларда бир маромда ишлашини таъминлаш борасида жиддий ишлар қилинди. Натижада ўтган йили шифер ишлаб чиқариш режаси 101,8 фоиз бажарилди, 355 минг куб метр кўплаб цементли ғишт ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиши таъминланди. Бу йилги суръатлар ҳам ўтган йилдагидан кам эмас.

Лекин ана шу меҳнаткаш жамоанинг қарийб бир ярим йилдан буён халовати йўқ. Қай вақт қараманг катта-ю кичик, ишчи-хизматчилару раҳбариятнинг асаблари таранг. Кўпчиликнинг қўли ишга ҳам бормай қолган. Негаки, бу ердан шикоят хатлари турли юқори идораларга «визиллаб» учадиган, турли мақом ва мавқедаги текширувчиларнинг кети узилмайдиган бўлиб қолди. Ишга аралашмаган Ўзбекистон қурилиш материаллари ишлаб чиқариш акциядорлик концерни ҳам, вилоят ҳокимлиги ва вилоят прокуратураси, турли газеталар таҳририятлари, республика телевидениеси ҳам қолмади.

Катта жамоанинг тинчини бузиб, халоватини йўқотган бу шикоят хатлари гоҳ «очиқ хат» тарзида, гоҳ «бир гуруҳ акциядорлар» томонидан, гоҳ корхона касаба уюшмаси қўмитасининг ҳозирди собиқ раиси номидан «учириларди». Аммо улар текширилганда ҳамма шикоятларнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси Озод Хушназаров бўлиб чиқаверди.

Масалан, шу йил 21 апрелда бир гуруҳ уруш қатнашчилари номидан Ўзбекистон бинокорлик материаллари саноати акционерлик корхонаси раиси М. Низомов ҳамда Оҳангарон шаҳар ҳокими М. Расуловга йўлланган «очиқ хат» юзасидан ўтказилган текшириш натижасида ҳар уч кишининг имзоси ҳам алдов йўли билан қўйдирилгани маълум бўлди. Ишчи-акциядорлар — И. Горбуновга «собиқ директорни қўллаб юбориш керак» деб, М. Абдуллаев ва Т. Омоновларга эса «пул мукофотларини кўпайтириш ҳақидаги ариза» деб, қўл қўйдирганди. Ҳар уч уруш фахрийси уларни Озод Хушназаров алдаганини ёзма равишда тасдиқлашди.

«Бир гуруҳ ҳиссадорлар» номидан жамият кузатув кенгашига ёзилган хатга ҳам имзолар алдов йўли билан тўпланганги очилиб қолди. Бу гал ўша О. Хушназаров одамларни «акцияларингизни кўпайтираман, дивидентларни оширман» деб лақиллатганди. 1998 йил бошидан шу йилнинг июнь ойигача 20 дан ортиқ шикоят хатини йўллаб, натижасидан сира қониқмаётган мақоламиз қаҳрамонининг ўзи ким ва нима учун курашяпти? Жамоа манфаатлари учун жон қуйдиряптими ёки ҳақиқат излаяптими?

Кошкийди шундай бўлса! Албатта иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Уларни холисона кўрсатиб, тезроқ бартараф ҳам топтириш бўйича фойдали тавсиялар беришдан олижаноброқ иш борми?! Фақат бунда юқорида айтганимиздек, холисона самимийлик бўлиши шарт. Аммо яна минг афсуски, шикоятлар уюштириш бўйича устаси фаранг бўлиб кетган мақоламиз қаҳрамони шундай олижаноб туйғулар билан ҳаракат қилган дейишга ҳеч қандай асос тополмадик.

... Ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайланган Озод Хушназаров ўзини эркин қўйиб юборди. Ўз ҳамкасблари, касабақўм аъзолари билан ҳам маслаҳатлашишни ўзига ор деб биладиган бўлиб қолди. Натижада турли-туман хатоликлар, суиистеъмолликларга йўл очилди. Бир қанча ножўя ишлари учун танбеҳлар эшитишига тўғри келса-да, ҳеч кимни назар-писанд қилмади. Турли тантаналарни ўтказиш учун ноқонуний равишда шиферларни сотиштирди. Санаторий-дам олиш уйларига 30 йўлланмани чет кишиларга бериб юборди. Касабақўм ваколатига кирадиган масалаларни ҳам шахсан ўзи ҳал қилишга одатланди. 1997 йил декабрида касаба уюшмаси юқори ташкилотлари йўл қўйган хатолари учун О. Хушназаровни вазифасидан озод этишни тавсия этди. Лекин жамият касаба қўмитаси қаттиқ хайфсан билан чекланди.

Аммо бундан хулоса чиқариб олиш ўрнига раиснинг иззат нафси устун келиб, манманликка берилди ва яна хатоларини давом эттираверди. Натижада эса жуда хунук бўлди — ўнга яқин ҳолларда қонунни бузганлиги маълум бўлди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 205-моддаси 1-қисмига биноан уч йилга озодликдан маҳрум этилди. Бу гал Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституция куни муносабати билан эълон қилинган амнистия унинг жонига оро кирди ва у жазодан озод этилди.

Шундан кейин ақли-хуши жойида бўлган одам бундан тўғри сабоқ чиқарган бўларди. Афсуски, ундай бўлмади. Аксинча, ўзидан ўпкалаш ўрнига собиқ касабақўм раиси бутун жамоа, айниқса, жамият раҳбарларини айблаб, аламзадага айланди.

Алам билан шикоят устига шикоят ёзаверди.

Гапимизнинг исботи сифатида қуйидаги мисолни келтириш билан кифояланса бўлар. О. Хушназаровнинг шикоят хати бўйича келган «Ўзбекистон овози» газетаси мухбирига у шундай тушунтириш хати ёзиб берган (айнан келтирамиз):

«Ҳақиқатдан мен рўзномага корхонадаги қонунбузарликлар ҳақида ёзганман. Бугунга келиб, корхонада юқоридаги камчиликлар тугатилган. Айрим далилларни қизишиб ёзиб юборганман. Шунинг учун бугунги кунда маъмуриятга ҳеч қандай даъвом йўқ.

О. ХУШНАЗАРОВ,
касаба уюшма қўмитаси раиси.
28.12.1998".

Аламзадалик жазаваси шу билан тугаса олам гулистон бўларди — қўярди. Лекин у ўз виждонига тоб беролмай қилиб қўйган ишидан яна ҳам вахшат отига миниб, шу йил январидан май ойининг охиригача турли идора ва ташкилотларга 111 та «думалоқ» хат йўллади. Улар орасида Республика Бош вазири, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси номларига, вилоят ҳокими номига (2 марта), қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасига йўлланган шикоятлар бор. Ўз ишига «ошкоралик» тусини бериш мақсадидами «Ҳуқуқ» газетасига (илгарироқ «Адолат» газетасига ҳам ёзган), «Голос Узбекистана» («Ўзбекистон овози»дан дакки егандан кейин), «Ишонч» газеталари таҳририятларига ҳам хатларни «учирма» қилган. Буни қарангки, ҳамма матбуот органларининг вакиллари корхонада бўлишган, текшириш ўтказган, аммо О. Хушназаровнинг «даъво»ларини исботланмаган. Оҳангарон шаҳар прокуратураси текшируви давом этаётган экан. Тафтишлар ҳам давом этяпти.

Бундай шароитда метиндан бўлган асаблар ҳам тоб беролмаса керак.

— Буларнинг ҳаммасига ҳам чидаш мумкиндиру, — дейди чуқур «уф» тортиб ҳиссадорлик жамияти бош директори М. Шаматов. — Лекин шикоятларни текшириш бизнинг олтиндан қиммат вақтимизни олиб қўяяпти, бу эса ишлаб чиқаришга салбий таъсир қилмоқда. Биласизми, шу шикоятлар дастидан йил бошида Россия ва Қозоғистондан келтирилиши керак бўлган қанчаданқанча хом ашёни ундиролмай қолдик...

Хуллас, ана шундай ажиб савдолар. Текширишлар ҳам тугар. Лекин аламзада собиқ касабақўм раисининг жазаваси тўхтармикин? Унинг танобини тортиб қўядиганлар топилармикин? Ахир демократия дегани фақат истаган жойга кўнглингга келганини ёзавер, дегани эмас-ку! Ўша ёзилган гапларнинг ҳақиқатга қанчалик тўғри келишига жавоб бериш ҳам керак эмасми?! Тўҳматчига ҳам жазо бўлса керак. Қолаверса ўртада виждон деган нарса ҳам бор-ку?!

Ҳамид СУЛАЙМОНОВ,
журналист.

Тузкон қўлида балиқ ови. Ш. ИБРОҲИМОВ олган сурат-лавҳа.

Жиноят ва жазо

ЙИРТҚИЧНИНГ СЎНГГИ ҲАМЛАСИ

Ёхуд ўз умр йўлдоши ва фарзандларининг қотилидан қўшнилар чўчиб келишганми?

Самарқанд вилоят суди ўта шафқатсизлик билан содир этилган мудҳиш жиноят устидан адолатли ҳукм чиқарди. Бирйўла уч кишининг умрига зомин бўлган қотил олий жазога тортилди. Марҳумларнинг қариндошлари ва суд жараёнида қатнашган кишилар ҳукмни кўзда ёш билан кутиб олдилар...

Дунё шунчалик бевафоми — ота ўз пушти камари бўлган норасидаларни дўзах азобига солиб қиймаласа?! Кечагина бир ёстиққа бош қўйиб келган сирдоши, умр йўлдошининг жон ришталарини узиб ташласа?! Қисматнинг кўзи шунчалар кўрми — бир нокасга гулдек фарзанд ва ситам, изтиробларга бардошли ёрни раво кўрса?! Ахир тирноққа зор бўлиб, бир гўдак кулгусига жонини беришга тайёр юрганлар озми? Бахт ва бахтсизлик одам танламайди, деганлари шуми?

...Қурбоной эрининг нотанти қилиқларига кўп чидади. Сочларидан тортиб уриб қийнаганларида ҳам оила сирини кўчага чиқармаслик учун тўрт девор орасида юм-юм йиғлаб қолаверди. Фарзандларини, оила шаънини ўйлади. Бир кунмас бир кун қўйилиб инсофга келиб қолар, деган андишага борди. Зокир эса қуюшқондан чиққандек тобора ҳаддидан ошиб борарди. Ишни, рўзгор тебратиш зарурлигини ҳаёлига ҳам келтирмасди. Юрар жойи — кўча, машғулоти — безорилик.

Лекин саёқ юришу безориликларнинг ҳам чеки-чегараси бор. Биринчи марта 24 ёшида қамоқхонага рўбарў бўлди. Қайтиб келгач ҳам сабоқ чиқармади. Кейин яна ва яна панжара ортига тушаверди. Маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар ҳайрон. Қандай қилиб бу эркатойни ўз қаторларига қўшиб олишсин? Ахир насиҳат берганга ўқрайиб қараса, урушганнинг ёқасидан олса?

Ниҳоят кўплар кутган, тахмин қилган жиноят, мудҳиш, иблисона жиноят рўй берди. Энди унинг оқибатларини тузатиш, жабрдийдаларнинг кўнгил ярасига малҳам бўлиш қийин. Самарқанд шаҳрининг Ҳайдарова кўчасидаги 24-ўй мусибат гирдобида қолди.

...Аёл қалби сезгир бўлади, дейишади. Қурбоной ўчоқ бошида ҳам, йўлакда ҳам, тўшакда ҳам ўзини таъқиб қилаётган халокатни пайқагандек эрининг безовта ҳаракатларидан шубҳаланиб қўшниларга, қариндошларга билдирмоқчи бўлди. Лекин ажал ундан чаққонлик қилди.

...Февралнинг совуқ оқшоми. Олис осмондаги юлдузлар хирагина нур сочиб турибди. Кўп қаватли уйларнинг деразаларида чироқлар аллақачон ўчирилган. Атроф уйқуда. Зокир вужудини қумурсқадек безовта қилиб келаётган ниятини шу тунда ўзил-кесил амалга оширишга қарор қилди. Шунда тақдир унга рўбарў қилган, бахтсизлигига, омадсизлигига сабабчи бўлган, қамоқу азобларга мубтало қилган аёлдан қутулади.

Болта кўтарган Зокир хотини Қурбоной, етти ёшли қизи Мунаввара ва ўн олти ёшли ўғли Шавкат ва 18 ёшли Малика маст уйқуда ётган хонага киради. Болта зарби аввал Қурбонойнинг қоқ пешонасига тушади. Сўнгра даҳшатдан уйғониб ҳали кўзини очишга улгурмаган Мунаввара, Шавкатни, Маликани қиймалашга ўтади.

Эвох зимистон тундаги бу йиртқичликни кўриб юлдузлар ҳам осмоннинг бир бурчагига беркинади, ой бемажолгина булутлар ортига пана бўлади. Торгина хона қонга бўялди.

Қотил болтани улоқтириб энди нима қилишни ўйлаб турганида қариндошларникига меҳмондорчиликка кетган тўнгич ўғли Шокир кириб келди. У шу сонияда рўй берган даҳшатли воқеани ва қон гирдобидаги отани кўриб бир зум эсанкираб қолади. Қотил эса «кел, итвачча, сен бешинчиси бўласан» деб қўлга тушган пичоқ билан ҳамла қилгач, дод солиб қочади. Бу вақт қўшнилар уйғониб бўлишган эди...

Самарқанд вилоят суди шу йил 4 февралда рўй берган бу мудҳиш жиноят тафсилотларини ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқди. Тергов материаллари, гувоҳлар (Малика бахтли тасодиф туфайлигина болта зарбидан омон қолди) кўргазмалари, суд-тиббиёт экспертизаси хулосаси айбдор — Зокир Ҳалиловга нисбатан енгиллаштирувчи ҳолатлар қолмаганлигини кўрсатди. Ҳукм ўқилди.

Ҳуқуқий давлатда ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Инсонийлик қиёфасини йўқотган, меҳр-шафқатни унутган жаллод адолатнинг ўткир қиличидан қутулолмади. Шу ҳақиқат жабрдийдаларнинг ўксик қалбларига шифо берса кошкийди.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Самарқанд вилоят суди раисининг биринчи ўринбосари.
Зоҳир ТЎРАКУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

Узбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 17 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 АҚШ доллари — 132 сўм 39 тийин.

• Ҳангома

«КЎКИ» КЕЛИНОЙИНГИЗДАН

Имтиҳонда уччала саволга ҳам жавоб бера олмаган талаба домласига деди:

— Домлажон, анча улуғ ёшга киргансиз, касбингиз тақозосига кўра кўп нарсани биласиз. Фан доктори, профессор деган номингиз бор. Сиздан бир нарса сўрасам майлими?

— Майли.

— Сизга бир саволим бор. Жавобини топсангиз институтни ташлаб кетишга ҳам розиман. Тополмасангиз бир нарсага келишамиз.

— Нимага?,

— Менга қониқарли бўлса ҳам баҳо қўйиб берасиз.

— Фанга тааллуқли бўлса майли. Қани эшитайликчи?

— Домла, қандай қилиб чувалчангни ерга михласа бўлади?

Домла бир зум ҳангу манг бўлиб қолди. Сўнг йигитга деди:

— «Зачётка»нгизни қолдириб эртага келинг, жавобини эшитасиз.

У шу куни ўз кутубхонасидаги шу соҳага тааллуқли нене китобларни варақлаб кўрди, аммо бирон маънили гап тополмади. Эртаси куни талабага юзланди.

— Жавобини ўзингиздан эшитадиган бўлдик, ука.

— Бунинг ҳеч бир қийин жойи йўқ, домла, — деди талаба. — Чувалчангни суперклейга ботириб олсангиз бир зумда қотади. Кейин уни ерга бемалол михлайверасиз.

Домла йигитга эртага келишини тайинлади.

Эртаси куни домла талабага «зачётка»сини бературиб қўшиб қўйди.

— Тажриба лаборатория синовидан яхши ўтди.

«Зачётка»ни варақлаган талаба «аъло» баҳодан қувонди. Варақдаги 50 долларни кўриб эса таажжубга тушди.

— Домла «аъло» баҳо учун раҳмат. Бироқ 50 долларингиз нимаси?

— «Беш»и мендан, «кўки» келинойингиздан, — жавоб қилди домла.

Шомурод ИЛЁСОВ.

• Ҳар тўғрида

БУЙРАКДАГИ ТОШДАН ҚАНДАЙ САҚЛАНСА БЎЛАДИ?

Буйракдаги тош бор одамларга дўхтирлар суюқликни кўп ичишликни маслаҳат беришади. Бироқ қандай суюқликни кўп ичиш керак? Бу суюқликка АҚШда олиб борилган статистик текшириш жавоб беради.

Бостондаги аёллар касалхонаси билан Гарвард тиббиёт мактаби 1986 йилдан 1994 йилгача ҳар хил ёшдаги 80 минг аёлнинг қандай суюқликни яхши кўришини (17 хил суюқлик таъсири текширилган) ҳамда уларнинг қайси бирида буйрак-тош касаллиги бўлишлиги текширилган. Шу йиллар давомида текширилган одамлардан 719 тасининг буйрагида тош борлиги аниқланган.

Текшириш хулосаси шуни кўрсатадики, доимо чой ичиб юрган одамда тошнинг пайдо бўлишлик хавфини 8 фоизга, кофе 9 фоизга, шаробни камдан-кам ичувчиларда 20 фоизга камаяр экан.

Бир стакан грейфрут ширинлигида эса (сок) ҳар куни ичиш, буйракда тош пайдо бўлиш хавфини 44 фоизга орттирар экан.

МИЯ ТОМИРЛАРИ ЎЛМАЙДИ

АҚШ ва Швециянинг икки олими шов-шувли янгилик яратишди. Сабаби бу олимлар илгари миянинг ўлган — ишламай қолган илгари қайтиб ўз ҳолига келмайди деган хулосага келганди.

Эндиликда Фред Гейдж ва Питер Эрикссон тескари фикрни айтишмоқда. Уларнинг узоқ текширишлари натижаси шуни кўрсатдики, мия томирлари маълум бир шароитда қайта асл ҳолига келишини аниқлашган.

Қиёмбой ТЎЛАБОЕВ
тайёрлаган.

Муҳаддимлар тилаги

(23 августдан 29 августгача)

• **ҚЎЙ** — Ушбу ҳафта муаммолари осонгина ҳал бўлсин десангиз, ҳар бир ишга ҳаққоний, ҳалол ёндошинг. Ҳафта ўртасида гирромликка йўл қўйманг. Танишларингиз билан учрашувлар кутилмоқда.

• **БУЗОҚ** — Ҳафтанинг дастлабки кунлари ташаббусларни йиғиштириб қўйишингизга тўғри келади. Кучларингизни тўғри тақсимлашга ҳаракат қилинг, низо ва баҳсларга муккадан кетмай, соғлиғингизни асранг. Ҳар ким «эканини олишини» унутманг.

• **ЭГИЗАКЛАР** — Ушбу ҳафтада юксак даражадаги фаоллингиз натижасида куч ва ҳисларингиз, айни пайтда асабларингиз сарф бўлади.

Ушбу кунларда иш доирасида янги ҳамкорлик ришталарини ўрнатишингиз мумкин. Яқинлар ва қариндош уруғлар, айниқса, фарзанд ва дўстларингиз билан учрашув ва сафарларга бой бўлади.

• **ҚИСҚИЧБАҚА** — Ҳамкорлар билан иш юзасидан бўлган муносабатларга узоқни кўра билмаслигингиз путур етказиши мумкин. Яқин дўстларингиз, ҳамкасбларингиз билан бўлган муносабатларда кўнгил қолишидан сақланинг. Дам олиш кунлари ҳордиқ чиқариш, кучқувват тиклаш учун айни муддао бўлади.

• **АРСЛОН** — Ушбу кунларда кучингизни мужассамлаб, ҳамма ишларингизни бажаришингиз мумкин. Бунда ҳамкорлик муносабатлари, алоқалар, молиявий масалалар, келишув ва битимлар намоён бўлади.

• **ПАРИЗОД** — Оилангиз моддий аҳволини яхшилашда муваффақиятларга эришасиз, барча ишлардан ҳам кўпроқ кўчмас мулк, олди-сотди масалалари омадлироқ бўлиши кутилмоқда.

• **ТАРОЗУ** — Ҳафтанинг дастлабки икки-уч кунларида ишларингиз ўнгидан келмаса, сабабини ўзингиздан изланг. Бошқа кунлар эса бароридан келиши кутилмоқда, айниқса, бу ижод билан шуғулланувчилар, сафарлар ва учрашувлар борасида юз бериши аниқ.

• **ЧАЁН** — Душанба, чоршанба ва жума кунлари ҳар бир ишда «етти ўлчаб бир кес» деган мақолга риоя қилинг. Таваккалчиликдан ўзингизни тутинг. Ҳафтанинг бошқа кунлари омадли келади. Тижорат бобида янги таклиф ва ҳамкорларга эга бўласиз.

• **ЎҚОТАР** — Ушбу кунларда «борига барака» қилиб, катта ютуқлар кетидан бекорга интилманг. Хизматингиздаги ва уйингиздаги ихирчикир ишларни муваффақиятли тугатасиз.

• **ТОҒ ЭЧКИСИ** — Ҳафта кўплар учун номутаносиб келади. Бироқ биринчи навбатда моддий жабҳалар жиддий талофатга учраши мумкин. Дам олиш кунлари ҳордиқ чиқариш, сафарлар, учрашувлар ила ўтиб, куч-қувватингизга барака келтиради.

• **КОВҒА** — Ушбу кунларда қабул қилган хулосаларингизни ўзгартиришга ҳаракат қилинг. Бу айниқса, молиявий ва касб билан боғлиқ масалаларга тааллуқлидир. Ушбу давр мобайнида яқинларингиз, фарзандларингизга эътибор қаратишга интилинг.

• **БАЛИҚ** — Ҳафтанинг биринчи ярми мураккаб келиши кутилмоқда. Сўнгги хулосаларни қабул қилаётганингизда асосан моддий томонларга берилмай, узоқни ҳам кўзланг.

Куч — адолатда
Адолат
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.
ХОМИЙ: Ўзбекистон Республикаси «Матбуот, тарқатувчи» акциядорлик жамияти.
Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАҲИМОВ, Каримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Мурод КАЛОНХОНОВ.
Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Котибият — 136-55-64.
Эълонлар бўлими: 136-55-96.
Навбатчи — Саъдиддин САЙДИСЛОМОВ.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 0659, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди.
• Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босилган топширилди 1.30.
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.